



Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (13.928)

Баҳоси эркин нарҳда

БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИГА ЗАМИН ЯРАТИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 май куни Андижон вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 19-20 май кунлари вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шу давр мобайнида улар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда шаҳар ва қишлоқлар обод бўлиб, аҳоли фаровонлиги юксалди. Айниқса, саннат, қурилиш, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди. Барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилди.

2018 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1,8 триллион сўмга тенг 411 лойиҳа амалга оширилди, 12 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан 20,7 миллион АҚШ доллари миқдоридан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга йирик корхоналар фойдаланишга топширилди. 211,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида вилоятда танлаб олинган 50 маҳаллада кенг кўламли қурилиш-обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, 40 та мактабгача таълим муассасасида 97 миллиард сўмлик, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 30 та муассасада 47,5 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 178 та мактабгача таълим муассасасида жорий, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. 168 та хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Хонобод шаҳридаги “Хон tex city” масъулияти чекланган жамияти билан танишувдан бошланди.

Хонобод шаҳри узоқ йиллар ёпиқ ҳудуд бўлиб, саннат ривожланмаган, кўплаб объектлар бўш ётган эди. Президентимиз 2017 йил 2 июнда бу ерга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий шароит билан яқиндан танишган, вазиятни тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берган эди. Шу асосда 2017–2019 йилларда Хонобод шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унга 3 минг 200 дан зиёд лойиҳа киритилиб, 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида кўплаб корхоналар ташкил этилди ва одамлар иш билан таъминланди.

Анхор маҳалласи ҳудудидagi собиқ 4-автокорхона ҳам узоқ йиллар бекор турган эди. Унинг бинолари ва ер майдони тадбиркорларга “ноль” қийматда берилиб, ташкилий, молиявий жиҳатдан кўплаб-қувватлаш чоралари қўрилди. Бугун бу ерда 13 та корхона фаолият юритмоқда. Уларда жами 685 киши ишлайди.

“Хон tex city” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Ўтган йили ишга туширилган корхонада 300

дан ортиқ моделда 50 турдаги тайёр кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Йилига 500 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Энг муҳими, 300 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланган.

– Ушбу корхона ишсиз юрган хотин-қизлар учун айна мудоа бўлди, – дейди Муҳлиса Шарофиддинова. – Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча қулайлик яратилган. Икки маҳал иссиқ оват, транспорт хизмати йўлга қўйилган. Маошни вақтида олапмиз.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги шароитни кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Барча ҳаракатларимиз, Фармон ва қарорларимиз замирида халқимиз ҳаётини яхшилаш, фарзандларимизнинг эртанги кунига замин яратиш мақсади муҳимдир. Шу борадаги ўзгаришлар, сизларнинг ҳаётдан розилигингиз кишига мамнуният бағишлайди. Андижонга бу галги сафаримиздан мақсад ҳам одамларнинг ҳақиқий талабидан келиб чиқиб режа қилиш ва ижросини таъминлаш чораларини кўришидир, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз шаҳардаги “Хонобод” сыхатгоҳида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган сыхатгоҳ кислород билан тўйинган, ионлаштирилган ҳавоси билан юқори ва қуйи нафас йўллари, асаб тизими, юрак-қон томир касалликларини даволашга ихтисослашган. Бу ерда беморлар асосан юқори ҳароратли сув билан даволанади. Иқлимий, парафин, электр-ёруғлик, фитотерапия, функционал терапия, парҳез билан даволаш ва санаторий-курорт услублари кенг қўлланилади. Минерал ванналар, физиотерапия, электрофарез, гальванизация, игна билан даволаш, стоматология, косметология, галотерапия (тузли шахта), сузиш ҳавзаси, фитнес-зал, фитобар ҳам мавжуд.

Сыхатгоҳдаги замонавий клиник ва био-кимёвий лаборатория, УТТ ва ЭКГ ускуналари беморларга аниқ таъхис қўйишда муҳим ўрин тутди.

Сўлим табиати билан машҳур Хонободда бир пайтлар қурила бошлаган сыхатгоҳ қаровисиз ҳолда ётган эди. Шавкат Мирзиёев 2017 йил 2 июнда бу ерга келиб, уни ободонлаштириш, дам олиш учун зарур шароит яратиш бўйича топшириқлар берган эди.

180 ўринга мўлжалланган “Хонобод” сыхатгоҳини барпо этиш учун 90 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Даволаш биналари, стандарт, ярим-люкс ва люкс хоналар, 6 апартаментда барча шароит яратилди.

Давлатимиз раҳбари санаторийдаги шароитни кўздан кечирди. Ушбу тоғли ҳудудда енгил конструкциялардан меҳмон уйлари ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Хизматлар нархини камайтириб, қамровини кенгайтириш яна кўплаб одамларни иш билан таъминлашга хизмат қилишини қайд этди. Сыхатгоҳ ҳудуди-

даги ер майдонларини тадбиркорларга бериш орқали 3 минг киши дам оладиган масканлар ташкил этиш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдими ўтказилди. Хонобод шаҳрида 2017–2019 йилларда амалга оширилган ишлар, “Кампирравот” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Inimpeks Alliance” масъулияти чекланган жамияти томонидан дам олиш масканлари барпо этиш, “Lu Yang Agroculture” хорижий корхонасининг маҳаллий мева-вали боғлар ва полиз экинлари, цитрус мевалар ва бодом боғларини ташкил этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Марҳамат туманидаги “Мингтепа” археология мероси объектида туризмни ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилиши тарихимизни, ўзлгимизни янада чуқур англашга хизмат қилади. Бу ерга мактаб ўқувчиларини зиёратга олиб келиш керак. Бугунги авлод маданий меросимизни яхши билиши, у билан фахрланиши зарур, деди Президентимиз.

Фаоллар билан мулоқотда Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва фаровонликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Экологик мусоффоликни таъминлаш, туризмни ривожлантириш, инвестициялар жалб этиш, инновацион ёндашув, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари “Khantex Group” МЧЖ томонидан Кўргонтепа тумани Учқун маҳалласида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери фаолияти билан танишди.

“Khantex Group” ташкил этилганига икки йил бўлди. Корхона қарийб 9 минг гектар майдонда фермерлар билан пахта етиштириш бўйича ҳамкорлик қилади.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил май ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида жамиятнинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эди. Бугунга келиб бу режа тўла амалга оширилди – улкан йиғирув цехи биноси қурилиб, Швейцариянинг “Ритер” компаниясидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Ҳудудда яшовчи 400 нафарга яқин аҳоли доимий иш жойига эга бўлди.

Бу – ҳали дастлабки ишлар. Кейинги босқичларда мато тўқиш, бўяш, тайёр кийим-кечак ва сочиқ ишлаб чиқариш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 58 миллион евро бўлиб, корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, йилига 9 минг тоннадан зиёд ип-калава, қарийб 6 миллион погон-метр газлама, 10 миллион донадан ортиқ тикув-трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилади, 1500 иш ўрни яратилади. Экспорт ҳажминини 40 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 май куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғун билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари бир-бирларини кириб келган муборак Рамазон ойи билан табриклаб, ўзларининг эзгу ва самимий тилаklarини изҳор қилдилар.

Президентлар дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлаиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик кенгашининг илк йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, бўлажак олий даражадаги учрашувлар кун тартиби муҳокама қилинди.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган мулоқотда давлат раҳбарлари халқларимизга тинчлик-осойишталик, янада фаровонлик ва барқарор тараққиёт тиладилар.

ЎзА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг таниқли олимлар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳи Сурхондарё вилоятига келди. Тарғибот қарвони икки гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб бормоқда. Бундай маданий-маърифий тадбирлар вилоятнинг Қизирик, Музработ, Денов ва Олтинсой туманларида ҳам бўлиб ўтаётди.

● Самарқанд давлат университетида “STEMM” лойиҳаси доирасида Исроилнинг Холон технология институти ҳамкорлигида “Фан, технология, таълим, математика ва тиббиёт” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Меҳмонлар Исроил олий ўқув юртларидаги таълим жараёни, замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақида маълумот берди.

● Жиззах вилояти Зафаробод туманида Хитой Халқ Республикасининг “Хуасин цемент” компанияси томонидан барпо этиладиган цемент заводи пойдеворини қуйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Вилоят ва туман ҳокимлиги масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда ушбу корхона туман иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Шанхайнинг Чаннин туманидаги Mercedes-Benz дилерлик маркази деворини қулаши оқибатида 20 дан кўпроқ одам вайроналар остида қолиб кетди. Қутқарувчилар уюмлар остидан 25 кишини топиб, ташқарига чиқаришга муваффақ бўлишган. Бироқ улардан 10 нафари кейинроқ олинган жароҳатлардан шифохонада жон берган. Маълум қилинишича, марказда таъмирлаш ишлари олиб бориладиган бўлган.

● Christie’s аукцион уйи америкалик расом Жефф Кунс яратган металл қуён ҳайкалини 91 млн. долларга сотди. Ҳайкал дастлаб баҳолангандан 40 млн. доллар қимматроққа сотилган. Бу қиймат ҳозир ҳаёт бўлган расомлар асарлари учун янги рекорд нарх бўлди.

“CREATIVE SPARK” ДАСТУРИ – ТАЛАБАЛАР ВА ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида “Creative Spark” дастури доирасидаги “Big Idea Challenge” танловининг очилиш маросими ва тренинг машғулотлари ташкил этилди.

“Creative Spark” – Ўзбекистондаги Британия кенгашининг беш йиллик дастури бўлиб, Бирлашган Қироллик ва дастурда иштирок этувчи давлатлардаги олий таълим муассасалари ўртасида халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ мақсадларни кўзлабди. Муносабатлар негизида ижодий тадбиркорлик ва креатив иқтисодиётни ривожлантириш масаласи устувор бўлган мазкур лойиҳага Ўзбекистонда асос солинган. Ҳозирги кунда лойиҳага Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия ва Украина ҳам қўшилган.

Олий таълим соҳасидаги ислохотларга йўналтирилган ушбу дастур Буюк Британия таърибасидан келиб чиққан ҳолда ёшларда ижодий тадбиркорлик кўникмаларини олий таълим жараёнидаёқ шакллантириш ва ривожлантириб боришга қаратилган.

Шу билан бирга “Creative Spark” дастури доирасида мамлакатимизда янги инновацион ва рақобатбардош корхоналар ташкил этиш назарда тутилган. Бу янги лойиҳалар, танлов иштирокчилари гоъларини ривожлантиришга

қаратилган ҳамкорлик дастурлари асосида амалга оширилади.

Бугунги кунда дастур 10 мингдан зиёд талаба-ёшларни қамраб олган.

Тренинг машғулотларининг биринчи кунинда Лондон Метрополитен университети Халқаро ҳамкорлик дастурлари бошқарувчиси Кристофер Лейн, Тошкентдаги Сингапур менежмент ривожлантириш институти ўқитувчиси Мурод Исмоилов ва Вестминстер университети ўқитувчиси Виктория Левенская танлов қатнашчиларининг лойиҳаларини такомиллаштиришга қаратилган ўз тақлифлари билан иштирок этди.

Машғулотлар якуни бўйича иштирокчилар ўз лойиҳаларини танловга тақдим этиш кўзда тутилган.

Танловда рақамли технологиялар, ижтимоий таъсир ва ижодкорлик йўналишлари бўйича гоълибликни қўлга киритган ёшларга 25 минг фунт стерлинг миқдоридан грант маблағлари ва Лондонга саяхат қилиш имконияти тақдим этилади.

Файрат ХОННАЗАРОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЯНГИ ҚОНУН ТАДБИРКОР ВА ИНВЕТОРЛАР МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши: миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра сўхбати ташкил этилди.

Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этган давра сўхбатида қонуннинг мазмуни, аҳамиятини ижрочилар ва аҳолига тушунтириш, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Халқаро эксперт ва йутахассислар қонуннинг қоидалари, принциплари халқаро нормаларга тўлиқ мос келишини, тад-

биркорлик субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвесторлар, давлат-хусусий шериклик жараёнининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатловчи муҳим ҳужжат эканини қайд этди.

– Ушбу қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан миллий қонунчиликни такомиллаштириш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Эндиликда ер, фуқаролик, солиқ, божхона каби йўналишлардаги қонунчиликка тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритиш лозим, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бекзод Ортиқов.

Хуришд ҚОДИРОВ,
ЎзА муҳбири

ҚИСҚА САТРАПДА

- Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида “Ҳамшира – 2019” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Миллий университетида Исроилнинг Холон технологиялари институти билан ҳамкорликда ақлли технологияси –

роботлар кўргазмаси ташкил этилди.

● Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида олимпия шаҳарчалари қурилади.

● “Ўзбекконцерт” давлат муассасасида ижодкор ёшлар билан “Реп ва шу каби йўналишларда миллий қадриятлар уйғуниши” мавзусида ижодий учрашув ўтказилди.

БАРЧА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИНИ ЯХШИЛАШ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИГА ЗАМИН ЯРАТИШ МАҚСАДИ МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, кластер негизда 2 минг тонна истеъмол ёғи, 7,5 минг тонна шрот, 5,4 минг тонна шелуха ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ёғ-экстракция заводи ва чорва комплекси ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари кластернинг йиғирув цехини кириб кўрди.

Шу пайтгача жойларда турли корхоналар ташкил этиш бўйича ишладик. Энди сифатга эътибор бериш, даромадни ошириш учун шароит яратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Кластерга агротехника хизмати кўрсатиш мақсадида 19,7 миллион доллар эвазига АКШнинг "John Deer" ва "Case" компанияларининг 13 турдаги 331 та замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси келтирилган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган кластер усулини қишлоқ хўжалигида кенг жорий этиш бўйича ташаббус Кўрғонтепа туманида тўлиқ амалга оширилмоқда. Яъни, пахта етиштиришдан тайёр маҳсулот олишгача бўлган тизим яратилган. Пахта етиштириш ишлари тўлиқ техника ёрдамида амалга оширилмоқда, ҳосилдорлик сезиларли даражада ошган. Худуд аҳолиси кластер ташкил этган замонавий корхоналарга ишга жалб қилинган.

Шу ерда Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳаси, аҳоли томирчилик самарали фойдаланиш, паррандчилик, балкичилик, асаларичилик, пиллачиликни ривожлантиришга қаратилган режалар, Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар муҳокам қилинди. Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали билан Гродно давлат университети ўртасида Ўзбекистон - Беларус қўшма факультетини очиб, вилоятда ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш каби қатор лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Президентимиз лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли яқунлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Хўжабод тумани Хидриша массиви бундан бир неча ой олдин яйдок адирлардан иборат эди. Бу ерда қисқа муддатда - тўрт ойда барча инфратузилма иншоотларига эга замонавий мавзе қад ростлади.

Андижон шаҳри - мамлакатимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуди. Шаҳарнинг Мустиқлик маҳалласидаги эски барак шаклидаги ҳовлиларда яқин-яқингача битта хонадонда бир нечталаб оила қийналиб яшаб келар эди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги ташрифлари чоғида шаҳар аҳолисининг яшаши учун қулай шароит яратиш, Бош режага мувофиқ эски маҳаллалар ўрнида қўп қаватли турар жойлар барпо этиш бўйича тавсиялар берган эди. Шунга кўра, Мустиқлик маҳалласи аҳолиси учун Хўжабод тумани Хидриша массивидан 54 гектар ер ажратилиб, шаҳар ҳудудига қўшиб берилди.

Жорий йилда бу ерда "Обод маҳалла" дастури асосида 2 сотихли 220 та уй, оилавий поликлиника, болалар боғчаси, Хотира майдони, маҳалла гузари, кутубхона, ҳаммом, гузаллик саломи ҳамда бошқа савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тивувчилик корхонаси, маданият маркази қурилди. Маҳаллага "Мустиқликнинг 27 йиллиги" деб ном берилди.

Президент мазкур маҳалладаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Янги маҳалла қурилишида аҳоли учун зарур қулайликлар эътиборга олинган. Қўчириб келинаётган оилаларнинг фарзандлари шу ердаги боғчага, мактабга катнайдилар, хотин-қизлар тивувчилик корхонаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида ишлаши мумкин.

Шавкат Мирзиёев дастлаб янги ҳовли соҳибаси Дилфуза Ҳожиматова хонадонига кириб, оиланинг яшаш шароити билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифидан мақсад одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, оилаларга имкон қадар кўпроқ енгиллик беришдан иборат эканини таъкидлади.

Тинимсиз меҳнатимиз, изланишларимиз ўз мевасини бера бошлади, халқимизнинг ҳаётга қарши, муносабати ўзгарди. Бундай шинам уйларга кўчиб қирган оилалар ҳаётини маънавий, давлатдан рози бўлади. Энди оилаларга ўзини ўзи боқиб қўнқимасини ҳам сингдирсак, одамлар ўз ховлисида асалари, товух боқиб ўрганса, боқимандалик кайфияти йўқолади, яхши яшашга интилиш кучади, деди Президент.

Дилфуза Ҳожиматова янги ховлида қизлари Фотима ва Зухра билан яшайди. Шавкат Мирзиёев ушбу ташриф оила ҳаётига яна бир қувончли воқеа билан муҳрланишини айтди - эгизакларни ўзлари танлаган олий ўқув юртига имтиёзли киритишга ваъда берди. Бу тақдир катта қувонч билан қабул қилинди.

Вақт кутиб турмайди. Одамларга бугун шароит яратиш бериш керак. Яшаш учун шароит бўлса, оилалар қувонч, хотиржамлик, ҳаловат бўлади, баракка ёғилади. Бу ҳар бир ислохотнинг асосий мазмунини ташкил этиши лозим.

Президент бу борада мутасаддиларга навбатдаги вазифаларни белгилаб берди. Мазкур маҳаллада иккинчи босқичда қуриладиган 2 сотихли 612 та уй, 168 хонадондан иборат 7 та қўп қаватли арзон турар жой, 615 ўринли мактаб, 160 ўринли болалар боғчаси ҳам Андижондаги мана шу ўзгаришлар руҳига ҳамоҳанг бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Янги маҳаллада Андижон шаҳридаги "Ферузбек текс" МЧЖнинг тивув корхонаси иш бошлади. 500 хотин-қиз ишли бўлган корхонада 60 дан зиёд турдаги катталар ва болалар кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йилгига 1,5 миллион донга маҳсулот тайёрлаш ва 950 минг долларлик кийим-кечак экспорт қилиш имкониятига эга корхонада ишчилар учун бепул иссиқ овқат, транспорт хизмати йўлга қўйилган. Бу ҳам хотин-қизларнинг ишга бемалол бориб-қелиши, оиласига наф келтиришига ёрдам беради.

Шавкат Мирзиёев корхонада тайёрланаётган кийим-кечак намуналари, тивув цехидаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Кўп иш қилинган, булар катта ишларнинг бошланиши, холос. Бир-биримизга елкадош бўлсак, кечагидан уч-тўрт баравар кўп ишласак, ўрганишдан чарчамасак, меҳнатимизнинг рохатини албатта қураимиз. Халқимизни рози қилиш йўлидаги ишларимиз битта мақсад-муддага қаратилган - одамларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш. Меҳнат қилиб шу кунларга етдим, эртага болам мендан яхшироқ яшайди, эккан дароҳим мевасидан фарзандларим баҳраманд бўлади, деган ўй-ниятда яшашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Бундай корхоналарни икки-уч баравар кўпайтириш, маҳсулотга харидор топиш, бозорини кенгайтириш бўйича тавсиялар берилди.

Шу ерда Андижон шаҳри Бош режаси асосида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдими ўтказилди. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда Андижон шаҳрида аҳолининг уй-жойга талабини қоплаш мақсадида 150 та қўп қаватли уй қурилади. Жумладан, барак шаклидаги эски уйлардан бўшаган Мустиқлик маҳалласи ҳудудига 70 та 9 қаватли уй барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига "Andijon city" қурилиши лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Қарийб 70 гектар майдонда барпо этилиши мўлжалланаётган ушбу шаҳарчада 5 юлдузли меҳмонхона, конгресс-холл, кўғирчоқ театри, банк ва офислар, соғломлаштириш марказлари, кўнгилочар масканлар, кафе-ресторанлар, 7, 9 ва 12 қаватли турар жой бинолари қад ростлайди.

Фитрат кўчасида 41 та 7 қаватли уй барпо этиши, Андижонда мамлакатимизда илк бор таунхаус шаклидаги намунавий уйлар қурилишини бошлаш, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказини реконструкция қилиш, "Обод туман маркази" дастури асосида Марҳамат туманида амалга оширилаётган ишлар, вилоятда ичимлик ва оқова сув тизимини яхшилаш бора-сидаги лойиҳалар тақдим қилинди.

Президент барча лойиҳаларда аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ва ҳудудни ривожлантириш истикболларини инобатга олиш, қурилишда энергетика ва материаллар ва технологиялардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Маҳаллада барпо этилган "Келажак болажонлари" мактабгача таълим муассасаси рус ва инглиз тилларини ўргатишга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда Шавкат Мирзиёев илгари сурган беш ташаббусни мамлакатимизда биринчи марта боғча ёшидан болалар онгига сингдириб режалаштирилган. 2 қаватли, 165 ўринли муассасада кичкинтойлар учун тасвирий санъат, мусика ва спорт, чеvarлик, тивувчилик каби тўғрақлар мавжуд. Маъмулотлар хонасидаги мини-компьютерлар болаларни кичик ёшдан ахборот технологияларига ошно қилади.

Давлатимиз раҳбари боғчани кўздан кечирар экан, фарзандларимиз маънавиятини боғча ёшидан бойи-

тиш, бу борадаги ишларни махсус қарор асосида тизимли йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Маданият марказида беш муҳим ташаббус асосида ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, ёш истеъдодларни юзага чиқариш, ўғил-қизлар ўзининг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён этиши учун зарур шароит яратиш, уларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил этиш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев бу ташаббуслардан мақсад ёшларда "Ўзбекман", "Ўзимга беқман" деган миллий гуруҳ туйғусини кучайтиришдан иборат эканини, ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилаётган ишлар шунга лойиқ ва мос бўлиши кераклигини таъкидлади. Ҳар бир ташаббус бўйича тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Президентимиз Андижон туманидаги "Makro Farm Andijan" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Ўтган йили Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида мазкур корхона лойиҳасининг тақдими ўтказилган эди.

"Makro Farm Andijan" корхонаси лойиҳасини уч босқичда ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Биринчи босқич 2018 йилнинг август ойида яқунга етди. Йилгига 2,5 миллиард сўмлик доривор ўсимликлардан биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилади. Бунинг учун 3 миллион доллар маблағ сарфланди, натижада 25 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Иккинчи босқичда 5 миллион доллар маблағ эвазига йилгига 136 миллион донга шприц ва инфузия учун система ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа 2018 йилнинг октябрь ойида яқунлашиб, 110 та иш ўрни яратилди.

2020 йилга режалаштирилган учинчи босқичда юрак-томир касалликларидан қўлланадиган 8 миллион донга таблетка ва капсула шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 40 киши ишли бўлади.

1, 2, 5, 10 миллиграммли шприцлар ва инфузия учун системалар ишлаб чиқарадиган ушбу корхона водийда ягона ҳисобланади.

Айни пайтда корхонанинг 10 гектар ер майдонида наъматак, мойчепоча, барбарис, ялғиз, қондула, дала чойи, алоз, полчола, валериана, лимон ўти, самин чўп каби доривор ўсимликлар парваришланмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада тайёрланаётган дори воситаларини кўздан кечирди. Дори-дармонларнинг халқроқ сифат талабларига тўла жавоб беришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Шу ерда Андижон шаҳридаги "Avto Tekstil" МЧЖнинг автомобил ва автобус ўриндиқлари учун газлама-матол ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикасининг Германия ва Ҳиндистондаги элчихоналари томонидан вилоятга амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, Ҳиндистоннинг "Cadila Pharmaceuticals LTD" компанияси "Андижон-фарм" эркин иқтисодий зонасида таблетка, капсула ва инъекцион дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. 50 миллион доллар маблағ сарфланиши назарда тутилган лойиҳа якунида 400 дан зиёд иш ўрни яратилади. Йилгига 3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Мазкур лойиҳа 2019-2023 йиллар давомида 3 босқичда ҳаётга татбиқ этилади.

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси томонидан 2019-2021 йилларда қиймати 39 миллион евролик етти та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Натижада 700 иш ўрни яратилади. Транспорт-логистика маркази, мева-сабзавотни қайта ишлаш, чой қадоқлаш корхоналари, чорвачилик кластери ташкил этилиб, суьютланган газ ишлаб чиқарилади.

"GM Uzbekistan" акциядорлик жамиятида ягона платформа асосида янги автомобиль моделларини ўзлаштириш бўйича лойиҳа тақдими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 10 минг кишини доимий иш билан таъминлаш имконини беради.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Шаҳар ҳокимлигида

Янги Тошкент ҳудудига қўшма лойиҳалар амалга оширилади

"Hyatt Regency" меҳмонхонасида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев ва "MEDEF International" ўзбек-француз ишбилармонлари кенгаши вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Ўзаро мулоқот давомида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва туризм йўналишларида алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокими пойтахтимизда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида кенг қўламли бунёдкорлик тадбирлари олиб борилаётганлигини қайд этди. Бундай шаҳарсозлик лойиҳаларида дунёнинг илгор давлатлари тажрибасидан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратиб, франциялик ишбилармонларни бу борада ҳамкорликка чорлади.

"MEDEF International" ўзбек-француз ишбилармонлари кенгаши раиси Кристоф Фонтейн Ўзбекистон ва Тошкентда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилаётган, барча соҳаларда янгилашиб, ривожланиш жараёнини кечаётганлигини эътироф этиб, Франция томони ҳам ҳар томонлама алоқаларни муштақамлаш ҳамда тараққий этиштиришдан манфаатдорлигини билдирди.

Тадбирда иштирок этган 30 дан ортиқ француз компанияларининг Тошкент билан ҳамкорлик бўйича таклифлари кўриб чиқилди.

"Vinci" компанияси раҳбари пойтахтимизда барпо қилиниши режалаштирилган кўприклар ва меҳмонхоналар қурилишида иштирок этиш нияти борлигини маълум қилди. "Suez", "Sade", "BRL Ingenierie" компаниялари эса ичимлик, оқова ва сугориш учун сув таъминоти билан боғлиқ илгор технологиялар лойиҳалари тақдими киритишди. Шунингдек, мулоқот давомида ахборот технологиялари, транспорт коммуникациялари, қурилиш моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш борасида қатор таклифлар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокими пойтахт ҳудуди кенгайтириш муносабати билан Янги Тошкент концепцияси тайёрланаётган ҳамда "MEDEF International" ўзбек-француз ишбилармонлари билан асосан ушбу ҳудудда қўшма лойиҳалар амалга оширилишини маълум қилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгаймоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Парижнинг сиёсий ва ташқи ишлар маркази директори Фабьен Бауссарт билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Даврон Ҳидоятлов юртимизда хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар, улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бизнесни ривожлантириш тизими ва шароитлари борасида маълумот берди.

Шунингдек, қатор мамлакатлар учун виза олиш тартиби соддалаштирилган дунё давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратганини таъкидлади.

Парижнинг сиёсий ва ташқи ишлар маркази директори Фабьен Бауссарт ҳам ташрифи давомида Ўзбекистон ва Тошкентда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юрт тараққийоти ва халқ фаровонлиги таъминлашни кўзаланиши қайд этди. Шу билан бирга ўзбек - француз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш икки томон учун ҳам манфаатли бўлишини билдирди.

Франция ишбилармонларида Ўзбекистон хусусан, Тошкент билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш борлигини маълум қилиб, қурилиш ва туризм соҳасида ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

Ўз навбатида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари пойтахт ҳокимлиги юқори технологияларга эга Франция билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро ҳамкорликда инвестициялар ва илгор технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришга тайёрглигини билдирди.

ИПОТЕКА СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Германиянинг Хусусий ипотека муассасалари ассоциацияси директори Кристиан Кунис билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзаро мулоқот давомида пойтахтимизда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, қурилиш йўналишидаги ишларга тўхталиб ўтилди. Унга кўра, жорий йилда турар жойлар қурилиши ўтган йилга нисбатан анча ўсган. Хусусан, бу йил 18 миңдан ортиқ хонадонли 400 га яқин қўп қаватли уйлар барпо этилади.

Учрашувда томонлар аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтишди.

Хусусан, Кристиан Куниснинг таъкидлашича, уларнинг ассоциацияси айнан арзон турар жойлар учун кредит тақдим этади. Меҳмоннинг маълум қилишича, уларда ипотека кредити асосида уй олиш тизими биздагидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, аҳоли аввалдан уйнинг 40 ёки 50 фоиз миқдоридagi маблағни жамғаради, сўнг эса банкдан ойлик 1,5 дан 3,5 фоизгача тўлов бўлган кредитни олади. Германиялик мутахассислар Ўзбекистон бўйлаб, хусусан Тошкент шаҳрида аҳоли учун ҳар жиҳатдан маъқул уйларни қуришда ҳамкорлик қилишни таклиф этишди.

Ўз ўрнида аҳолини арзон турар жойлар билан таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилганлиги айтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ёшлар пресс-клубида "Yoshlar - kela jagimiz" жамғармасининг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

"Ёшлар - келажак бунёдкори" деб номланган мулоқотда жамғарманинг Тошкент шаҳридаги туман филиаллари масъуллари, Тошкент шаҳар бандликка кўмаклашувчи маркази вакиллари, солиқ соҳаси мутахассислари, ёшлар, журналистлар иштирок этди.

Очиқ мулоқот кредит олиш истагида бўлган лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш, уларга кредитлар ажратиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, шу орқали бандликни таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

"Yoshlar - kela jagimiz" жамғармаси Тошкент шаҳар туман филиаллари томонидан 2018 йилда 102 та лойиҳа тасдиқланиб, улардан 75 тасига имтиёзли кредитлар ажратилди, - дейди жамғарманинг Тошкент шаҳар координатори Суҳроб Раҳимов. - 2019 йилда эса ёш тадбиркорларнинг 149 лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 94 миллион сўм кредит ажратилиши режалаштирилган.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Инобат АХАТОВА, ЎЗА муҳбири

Фуқаролар йиғини раислигига сайловлар

ОШКОРАЛИК ВА ТЕНГЛИК АСОСИДА

Шу кунларда пойтахтимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғини раиси сайлови давом этмоқда. Мазкур жараён Яшнобод туманида ҳам юқори савияда ўтказилди.

Яшнобод туманида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ раислари тасдиқланган ва ҳудудларга сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзоларининг барчаси маҳаллаларга бириктирилган.

"Тарновбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови ҳам кизгин тайёрлик кўрилди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 1 минг 909 нафар фуқаросидан 86 фоизи белгиланган тартибга асосан сайлов жараёнида иштирок этди.

Сайловлар шаффофлик, ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилди, - дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман Кенгаши раисининг ўринбосари Абдул-азиз Шакарлов. - Яшнобод туманида 58 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йи-

ғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10, 11 ва 12-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати 2019 йилнинг май ойида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёрлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Яшнобод туман кенгашининг 2019 йил 6 мартда қарори қабул қилинди. Халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясиз тузилган. Комиссия таркиби 14 кишидан иборат бўлиб, иш режаси тасдиқланган. Тумандаги 58 та фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ раислари тасдиқланган ва ҳудудларга сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси аъзоларининг барчаси маҳаллалар-

га бириктирилган. Сайлов ўтказиладиган барча бинолар зарур техник жиҳозлар, кўргазмали воситалар билан таъминланган. Хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишлар, тез тиббий ёрдам хизмати кўнгун талаблари асосида ташкил этилган. Яшнобод туманидаги 58 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган сайловларда катта ҳаётий тажрибага эга, маҳалла иши учун фидойи бўлган энг муносиб номзодлар раисликка сайланди.

Сайловда раис лавозимига Мавлуда Дадлаева, Хошимжон Раҳимов ҳамда Махаммадхон Маматқуловларнинг номзодлари қўйилди. Сайлов жараёнида кизгин тарзда кечди. "Тарновбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига Махаммадхон Маматқулов сайланди. Аҳоли ишонч билдирган раисга улардан зафарлар тиланди.

Энг муносиб номзодларнинг фуқаролар йиғини раиси сифатида сайланиши, энг аввало ортиқ тинчлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашда асосий аҳамиятга эга.

Зарина РУСТАМОВА

Худудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

Республика ишчи гуруҳи худудлардаги ҳақиқий аҳвол, аҳоли турмуш шароитини билиш, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш ва йўл ҳўжалиги, энергия, сув таъминоти, худудларни ободонлаштириш, ижтимоий турмуш тарзидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича пойтахтимиз туманларида ўрганиш ўтказаяпти. Навбатдаги манзил – Шайхонтоҳур туманидаги аҳвол танқидий ўрганилди, дея хабар беради ЎЗА махсус мухбирлари.

“Шодлик” маҳалласидаги 15-кўп қаватли уйнинг ертўласи кўздан кечирилганда, қувурлар янгисига алмаштирилгани, лекин аҳолининг эътиборсизлиги туфайли ертўлани сув босгани, чикиндилар кўпайиб кетгани аён бўлди. 2-кўп қаватли уйнинг ертўласидаги ўттиз йиллик қувурлар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган. Аҳоли ташаббуси билан бинонинг том қисми қайта ёпилган.

Ишчи гуруҳ вакиллари мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар билан суҳбатлашди. Муаммоларни бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилотлар вакилларига топшириқ берилди.

588-мактабгача таълим муассасаси атрофдаги бино-иншоотларга қараганда анча пастликда жойлашгани туфайли ёмғир ёғиб, қор эриганда сув тўпланиб қолар экан. Оқова сув чиқиб кетадиган латок ва қувурлар ичи тўлиб қолган.

– Бу масала юзасидан бир неча бор тумандаги тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз, – дейди МТМ мудираси Саодат Тўрахонова. – 2018 йили баҳорда бўлган кучли ёмғир оқибатида муассасамиз атрофда 50 сантиметргача сув тўланган. Оқибатда биноларимизнинг ички ва ташқи қисмига жиддий зарар етди.

Мазкур мактабгача таълим муассасаси атрофини ўраб турган туман тўсиқлар ҳам эскирган. Ишчи гуруҳ МТМдаги муаммоларни ижобий ҳал қилишга киришди.

“Янги жарарик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Собитжон Саидкамолловлар оиласининг ижтимоий ҳолати ўрганилди. Оилада 3 нафар ногирон фуқаро яшамоқда. Шу кунга қадар маҳалла фаоллари ушбу оила ҳолидан хабар олиб турган бўлса-да, дори-дармон ва бошқа зарур эҳтиёжлар дегандай, оила сўнгги пайтларда молиявий қийинчиликка дуч келган. Ишчи гуруҳ вакиллари Саидкамолловлар оиласидаги ногирон инсонларга мунтазам тиббий ёрдам кўрсатиш зарурлигини инобатга олди.

Мазкур МФЙнинг 30 йилдан буён идора биноси йўқ. Улар ҳалигача қўшни маҳаллада жойлашган умумтаълим мактабидаги бир хонада фаолият олиб бормоқда. Аҳоли томонидан шу масала бўйича туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаатлар қилинган.

– Маҳалла раиси ҳаммиша худудда бўлаётган воқеа ва жараёнлардан хабардор бўлиши, зарур чора-тадбирларни бажариши керак, – дейди “Янги жарарик” МФЙ раиси Шохиди Юсупова. – Бирок бундай имконият бизда йўқ. Маҳаллада бирор ҳолат содир бўлса, биз етиб келганимизча 20-30 дақиқа вақт ўтади. Айниқса, қексалар пенсиясини олиши учун шунча вақт сарфлаб қўшни маҳаллага бориб келади. Бу аҳолининг ҳаёли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг олиб-югуриши натижасида маҳалла идораси учун ер майдони ажратилган эди. Лекин қурилиш ишлари учун тегишли қарор қабул қилинмаган. Ишчи гуруҳ ўрганишлари давомида маҳалла идораси учун ажратилган ер майдони кўздан кечирилди. Масалани ҳал этиш чоралари курилади.

“Жарарик” маҳала фуқаролар йиғинидан ўтган, шу кунга қадар аҳоли томонидан атрофи ўзбошимчилик билан ўзлаштирилган жарликдаги манзара ҳам аянч-

ли эди. Ушбу жойга авваллари оқова сув тушиб турган. Аммо охириги пайтларда атрофга қурилган ноқуний қурилишлар туфайли жарликнинг табиий йўли ёпилиб, оқар сув кетиши жойлари бекилиб қолган. Масалан, ушбу маҳаллада яшовчи Собит Ҳасановнинг ҳовлиси ҳам жарлик ёнида жойлашган. Қуз-қиш пайтлари жарликка ортиқча сув тўпланиши туфайли ҳовли деворлари чўкиб, ёрилиб кетган. Шундай пайтларда

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЎРГАНИЛДИ

сувда тўпланган чикиндидан эса бадбўй хид атрофга тарқалар экан. Бу масала ҳам маҳалла аҳолиси ўртасида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлиб, бир неча йиллардан буён ўз ечимини топмай келмоқда.

“Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини худудидagi аҳоли хонадонлари, эски ва авария ҳолатидаги турар жойлар ўрганилди. Камолон 2-берк кўчаси, 57-хонадонда истиқомат қилувчи Геннадий Ребченковнинг кичкина ҳовлиси авария ҳолатида. Канализация тизими-га уланмаган уйдан турли хашаротлар чиқиб туриш ҳолати ҳам учрайди. Ўтган асрнинг 50-йилларида қурилган уйнинг деворлари ёрилган, хожатхона ва ювениш хоналари санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Уй эгасининг сўзларига кўра, бу аҳолидан ўтган йили ҳам мутасадди ташкилотлар ўрганилган. Аммо ҳалигача эски уйлар бузилиши ёки бузилмаслиги ҳақида маълумот йўқ.

Шу кўчанинг 47-хонадонидa 1928 йилда туғилган меҳнат фахрийси Анастасия Воронцова ёлғиз ўзи истиқомат қилади. У яшаётган уй ҳам авария ҳолатида. Турли ўт-ўланлар одам бўйи ўсиб турибди. Момонинг айтишича, оилавий поликлиника соғлигини назорат қилмоқда, туман ҳокимиятидан яқин бир йил ичида ҳеч ким келиб, хабар олмаган. Яхшики, қўшниси бор экан, ҳолидан хабар олиб турибди. Ҳовли олма, қўшни ол, деб шуни айтишса керакда.

53-хонадонда яшовчи Маъмур Мирхамидов неча йилдирки уй ҳужжатларини расмийлаштириш масаласида муаммоларга дуч келмоқда. Уй ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан Ягона дарчага мурожаат қилган. Аммо рад жавоби келган. Ҳовли жарликка яқин жойлашгани туфайли жарлик тобора уйни тортиб кетаяпти. Канализация муаммоси сабаб ишлатилган оқова сувлар жарликка қуйилиб, уни кенгайтириб юбормоқда. Ховлининг деворлари ёрилиб, жарликка қараб оғишни бошлаган. Бу яшаш учун жуда хавфли.

– Ҳар йили турли идоралардан келишадди. Уйлар эскирган, яшаш учун яроқсиз, тез орада бузилади, деб кетишадди. Аммо ҳалигача ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, – дейди фуқаро Маъмур Дадабоева. – Кўчанимиз торлиги боис машина қиролмайди. Худо кўрсатмасин, ёнгин бўлса ёки бирор ҳодиса юз берса қаерга борамиз. Канализация йўқлиги сабабли оқова сувлар тўғри жарликка қуйилади. Жарлик кенгайиб бор-

моқда. Унга туташ уйлар авария ҳолатида. Бу масалаларни бартараф этишса яхши бўларди.

Дарҳақиқат, кўчалар тор, махсус автотранспорт воситалари ҳаракатлана олмайди. Кўча охиригача машинада боришининг имкони йўқ. Устига устак, кўчага кириш учун Камолон қабристонини худудидан ўтиб келишининг керак. Агар қабристонга майит олиб келинса уйларига қайтаётган фуқаролар маросим тугашини кутиши керак бўлади. Бу ҳол деярли ҳар кун такрорланади. Инсон ҳаётида яхши-ёмон кунлар бўлади. Айтилик бир хонадонда тўй бўлса, қувв наварнинг қабристон ичидан кириб келишини тасаввур қилаверинг.

Бу масала ҳал этилаётган бўлди. Қабристонга яқин жойлашган хонадон бузилиб, йўл ўтказиш таклифи билдирилди. Бу йўл кўчани катта йўлга боғлайди. Хонадон эгасига бошқа жойдан уй берилиши айтилди. Шунингдек, қабристон атрофи девор билан ўралади.

“Янгиобод” маҳалласи Ф.Раҳимов кўчаси, 21-уйда тўрт ака-ука яшайди. Фуқаро Баҳодир Раупов улардан бири. Баҳодир ака ва унинг турмуш ўртоғи Фотима Раупова 3-гуруҳ ногирони бўлиб, уларнинг 13 ёшли ёлғиз фарзанди 1-гуруҳ ногирони. Улар бир хонали уйда истиқомат қилади. Ювениш ва хожатхонаси умуман талабга жавоб бермайди. Фуқаро уй масаласида мутасадди идораларга мурожаат қилган...

Ишчи гуруҳ вакиллари бу масалада фуқарога керакли ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Кейинги манзил 34-умумтаълим мактаби бўлди. Таълим даргоҳида 1894 ўқувчи тахсил олмақда. Мактабнинг умумий ҳолати яхши, аммо ёзги спорт майдони талабга жавоб бермайди. Югуриш майдони тошлар билан тўлган ва мактаб ўқувчилари учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Майдон кишда лой, ёзда чанг-тўзон бўлади. Мактаб директори Гулнора Хамидованинг айтишича, катта маблағ талаб этгани боис, бу муаммо қилиб кетмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари Олим Ҳўжаев маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 15-уйни ҳам бориб кўрди. 1957 йилда бунёд этилган уй бир неча йил олдин трамвай депоси ходимлари ётқонхонаси бўлган. Айти дамба уй эскирган. Авария ҳолатида, фундаменти едирилиб, деворлари ёрилган. Яшаш учун яроқсиз. Ичкарига кирди. Аҳвол ундан баттар. Ювениш хонаси, хожатхона айттулик эмас. Иситиш тизими йўқ. Деворлар нураган, аянчли ҳолатда. Ошхонасидаги вазият жуда оғир. Уйда 23 хонадон мавжуд. Бу 23 оила шундай аянчли шароитда яшаб келмоқда, дегани. Уларнинг айтишича, подвалда сув тошадими, уйдан чакка ўтади, ширкатдагилар умуман хабар олмайди. Хўш, бу оилалар шу аҳволда яшайверадими?

Республика ишчи гуруҳи вакиллари тез фурсатда бу муаммога ижобий ечим топиб, вазиятни янгилаш ҳақида айтиди.

Манон Уйғур маҳалла фуқаролар йиғини Уйғур кўчаси, 392-хонадонда 4 оила – 28 киши яшайди. Улар уй-жойга муҳтож. Ёрдам кўрсатилмаган. Бундан ташқари, уйни қабристон билан девор ажратиб туради холос. Жуда яқин жойлашгани учун чаён, илон ва бошқа хашаротлар кўп чиқади.

Улғубек кўчасидаги 133а ва 1456-уйларда қушқонлар яширин тарзда фаолият олиб бораёпти. Улардан тарқаган қўланса ҳўддан атрофдаги қўшчилар норози. Сузук ота маҳалласидаги масжид орқасидан ўтган канал ифлосланган. Аҳолининг уйлари каналга жуда яқин қуриб ташланган. Канал атрофидаги симёғочлар эскириб, хавфли ҳолатга келган. Занги ота маҳалласидан оқиб ўтган канал ва унинг устидаги кўприк ҳолати ҳам аянчли. Қаровисиз қолган.

Республика ишчи гуруҳи пойтахтимиз туманларидаги аҳволни ўрганишда давом этмоқда.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
Нурилло НАСРИЕВ**

(ЎЗА)



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРФИБОТИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Албатта бунда спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлиги оширилиб, уларнинг спорт билан шўғулланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратилмоқда.

Бунда ўтказилаётган турли мусобақаларнинг ўрни ҳам катта. Республикада умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Ёш ёнгин ўчирувчи” мусобақаси ҳам ёшларни соғлом бўлиш билан бирга доимо ёрдамга шай туриш, оғоҳ бўлишга ундамоқда.

“Ёш ёнгин ўчирувчи” мусобақаси умумтаълим, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш, уларни ёнгин ўчирувчи касбига қизиқтириш, ушбу йўналишда тарбиёт-ташвиқот ишларини кенг қўламда олиб боришни таъминлаш, уларда ёнгин чоғида тўғри ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ёнгин ўчириш амалий спортини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Мусобақанинг шаҳар босқичи Тошкент шаҳар Ёнгин хавфсизлиги, Жисмоний тарбия ва спорт, Касб-ҳунар таълими, Халқ таълими бош бошқармалари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент

шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур мусобақаларда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманидан 4 тадан мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари жами 88 та иштирокчи қатнашди.

Унда иштирокчилар “Ёнгин ўчирувчи”лар эстафетаси”, “Ишғол қилиш нарвонида ўқув минорасига кўтарилиш” ҳамда “100 метрга тўсиқлар оша югуриш” шартлари бўйича ўз маҳоратларини синновдан ўтказди.

Мусобақа якунига кўра мактаб ўқувчилари ўртасида 1-ўринни Бектемир тумани, 2-ўринни Сергели тумани ва 3-ўринни Юнусобод тумани терма жамоалари эгаллашди.

Коллеж ўқувчилари ўртасида эса 1-ўрин Юнусобод тумани, 2-ўрин Чилонзор тумани ва 3-ўрин Учтепа тумани терма жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва юқори кўрсаткичга эга ўқувчилар медал, диплом ҳамда эсдаллик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, юқори кўрсаткичга эга ўқувчилардан Тошкент шаҳар терма жамоаси шакллантирилиб, Республика миқёсида ўтказилаётган мусобақага тайёргарлик бўйича машғулоти олиб борилмақда.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармасининг 2019 йил 16 майдаги 183/1-сонли такрорий буюртмамомага асосан, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй манзилида сақланмаётган, қуйидаги автотранспорт ва техникалар қўйилмоқда: 1) “МАЗ 5549” Самосвал русумли 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 213 DCA бўлган техник саз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 117 553 сўм. 2) “Погрузчик Львовский вилочный 5 тонн” русумли 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носо Погрузчик. Бошланғич баҳоси – 10 570 689 сўм; 3) “Вилочный погрузчик дизельный 3 тонн” русумли 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носо Погрузчик. Бошланғич баҳоси – 6 021 097 сўм; Аукцион савдолари 2019 йил 29 май кунни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 27 май кунни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аукцион савдо шу кунни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 5, 12, 19, 26 июнь, 3, 10, 17, 24, 31 июль, 7, 14, 21, 28 август, 4, 11, 18, 25 сентябрь, 2, 9, 16, 23, 30 октябрь, 6, 13, 20, 27 ноябрь, 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 15 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850. Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: (0-371) 227-91-82. www.mmm.uz

Гувоҳнома: 001805

Тошкент вилояти Тошкент тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган “Arona Distribution” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306298645) Устав фонди 2 000 000 000 сўмдан 1 065 519 204 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Давлолар Тошкент вилояти Тошкент тумани, Келес шаҳарчаси, Қорасарой М.Ф.Й., Шохсида 5-берк кўчаси манзилида қабул қилинади.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аҳолининг турли қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида жорий йилнинг 27 май кунни Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Миробод, Яккасарой, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари аҳолиси учун Ўзбекистон Республикаси Давергеодезикадастр кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Ҳабибуллаев ва Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси раҳбарияти томонидан оммавий қабул ўтказилади. Ушбу оммавий қабулда барча соҳага оид саволлар билан иштирок этишингиз мумкин. **Оммавий қабул ўтказиш вақти ва манзили:** 27 май кунни соат 10:00 дан соат 16:00 га қадар.

Ўзбекистон Халқаро Ислон академияси тасарруфида бўлган академия биносининг мажлислар зали. Маълумот учун телефонлар: 71 231-68-51, 71 233-14-59.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 18-даха, 2-уй, 25-хонадон эгаси Азизбаева Дуржамал Жалдибаевна номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти томонидан 2002 йилда Karimov Umed Akbarovich номига берилган 274716 рақамли (рўйхат рақами 2759) диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 12.06.2018 йилда № 615584 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “BANRAMAND PLUS” МЧЖ (СТИР 305600791) таъсисчиларининг 17.05.2019 йилдаги № 1 қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ** Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида Яккасарой тумани, Яккасарой кўчаси, 5-уй манзилида қабул қилинади. Тел: +99893 598-94-47.

Тошкент молия институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида қисқичлик тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган низоимнинг 12-бандига асосан қуйидаги сайлаш мuddати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, бўш лавозимларни эгаллашга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. “Молиявий менежмент”: доцент, ўқитувчи (ассистент).
2. “Баҳолаш иши ва инвестициялар”: катта ўқитувчи.
3. “Чет тиллари”: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
4. “Ижтимоий фанлар”: катта ўқитувчи.
5. “Банк иши”: катта ўқитувчи.
6. “Банк ҳисоби ва аудит”: катта ўқитувчи.
7. “Ўзбек ва рус тиллари”: катта ўқитувчи.
8. “Менежмент ва маркетинг”: доцент, катта ўқитувчи.
9. “Молия”: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
10. “Пенсия иши”: катта ўқитувчи.
11. “Бухгалтерия ҳисоби”: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
12. “Аудит ва иқтисодий таҳлил”: доцент, катта ўқитувчи.
13. “Бизнес ва тадбиркорлик”: катта ўқитувчи.
14. “Соқилар ва соқилка тортиш”: катта ўқитувчи.
15. “Сўғурта иши”: доцент, ўқитувчи (ассистент).
16. “Касбий таълим”: доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).
17. “Эконометрика ва рақамли иқтисодиёт”: катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент).

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашшини хоҳловчилар Тошкент молия институтининг (Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй) ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. (71) 234-45-86.

Мирзо Улуғбек транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 2016 йилда Патихов Жаҳонгир Олимжон ўғли номига берилган К № 4470991 рақамли (1699-рўйхат рақамли) диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бектемир тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРҮ инспекцияси томонидан 16.06.2014 йилда № 001260-02 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган “Ko'klamgi Vodiy” масъулияти чекланган жамияти СТИР: 301794214, почта манзили: Бектемир тумани, Тўйона кўчаси, 6-уй. Таъсисчиларнинг 2019 йил 10 майдаги № 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ** Кредитор ва дебиторлик даъво ва аризалари эълон-чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида 99898 300-87-37 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ЖУМА ОҚШОМИДА



Қатралар

ЭГРИ ЙЎЛ

Парма ёғоч тешаркан, ярим йўлга борганда куртга дуч келди.
– Иккимизнинг ишимиз бир хил экан, – парманнинг ўткир, ярқироқ тишидан чўчиб ялтоқланди курт биланглаб. – Сенга муносиб ёрдамчи бўлсам, ишда йўл-йўриқ берсанг.
– Оббо, сен-ей. Ёғочни ҳар ён тешавериб, яроқсиз ҳолга келтирай дебсан-ку, яна сўзингга ишониб, сени қўлаб, кўпнинг газабига дучор бўлайми? Дунёга келибсанки, дилингга яраша йўлинг ҳам эгри, – деди парма ва тўғри йўлидан қолмай ёғочни тешаркан, кўртни ҳам эзгилаб ўтди.
Курт йўлидек эгри йўл танлаганларнинг барибир бир кун охири воқидир.

АВВАЛ ЙЎЛА...

Кимдир игнанинг хизматини игга қараганда юқори кўйди.
– Бир кийим битгунча игнанинг орқасидан қанча йўл босаман. Бу йўлда гоҳ бўшашиб, гоҳ таранг тортиламан. Игнанинг хизматини рўёбга чиқарсам-у, у мандан юқори турса – деди алам билан иг.
– Бир томондан эътирозинг ҳам тўғри, – дейишди игга. – Бироқ игна бош уриб, сенга йўл

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Халқаро онла кунли муносабати билан жойларда бўлгуси онла қурувчи ёшлар, 40-50 йилдан ортиқ умргузаронлик қилган намунали онлалар иштирокида турли хил танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Ана шундай тадбирлардан бири Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ахборот технологиялари университетида Юнусобод тумани "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, ФХДЁ бўлими, хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Нуроний" жамғармаси томонидан ташкил этилди.
Тадбирни туман "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбари Иқболхон Ашрапова очиб берди ва 450 дан зиёд иштирокчиларни байрам билан муборақбод этди. Тадбирда Ўзбек давлат Миллий академик драма театрининг маҳоратли актёрлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жумадулла ва Саида Раметова ва уларнинг фарзанди Азиз Раметов ўзларининг дилрабо кўшиқлари,

сахна кўринишлари билан тадбирга файз киритишди.
Туманда истикомат қиладиган – Увайсий маҳалласидан Муҳаммадбековлар, "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласидан Маҳмудовлар, "Севинч" маҳалласидан Хамидовлар, "Юнусобод" маҳалласидан Жалоловлар, "Уста Ширин" маҳалласидан Пўлатовлар, "Шарқ ҳақиқати" маҳалласидан Нурмухамедовлар, "Биллур" маҳалласидан Шомансуровлар, "Халқа боғ" маҳалласидан Зайнишевлар "Адолат" маҳалласидан Сатимовлар оилалари намунали онлалар сифатида эътироф этилиб, уларга фахрий ёрлик ҳамда бадиий китоблар тақдим қилинди.

Гулчеҳра КАРИМОВА

очиб турмаса ўзингча юра олмаслигини ҳам ўйлаб, фикр қилишинг керак.
Бунинг исботи учун ҳаракатдаги игнани дарҳол тўхтатишган эди, ип қаёққа юришни билмай чуваланиб гангиди.
Аввал йўла, кейин сўйла, дегани шу бўлса керак-да...

МУНОФИК ДЎСТДАН

Хазон тўплаётган йигит узокдан кўринган новчароқ одамнинг "Хў, укам, тўпламанг хазонларни" деган сўзидан қаддини ростлаб, ҳайрон бўлди: "Ким экан у, нима иши бор мен билан?"
– Серқатнов кўчадан гиз-гиз ўтаётган машиналарнинг тутун заҳари баргларга юққан. Бу ҳақда сизга ҳеч ким айтмадими? – дея новчароқ одам тезроқ одимлаб йигитга яқинлашди. Кўзларидан меҳр нури чақнаб турарди:
– Мен мол докториман. Бу барглардан молингизга асло бера кўрмам. Тунов кунни яқин танишингиз кўчадаги барглардан молига кўпроқ берган экан, ўлишига сал қолди. Аллоҳга шукр, Ўзи асрагувчи. Ундан астойдил шифосини сўраб, молни даволадим. Кўча ёқасидаги барглардан ҳеч ким молига бермасин, деб танишингизга қайта-қайта тайинлагандим-ку. Барака топгур, айтмадими?
Шу дам йигит ўзи хазон супураётганда йўлда кетаётган ўша танишига кўзи тушгани, унинг эса

кўрса ҳам кўрмаганга олиб, тезда ғойиб бўлганини эслади-ю, доктордан буни сир тутди.
– Уч-тўрт кундан бери кўринмай қолди у, – деди ичидан бошланган титроқни зўрга босиб. – Молимнинг соғлиғи учун шунчалик куйиб-пишиб юрибсиз. Раҳмат.
– Вазифам шу, укам.
– Мунофик дўстан етти ёт бўлса ҳам қалби пок бегона яхши экан, – деди докторнинг орқасидан меҳрла боқиб, тўплаган хазонларидан воз кенаркан йигит.

ТОШГА ҚИЁСЛАМАНГ

Бировни тоғдек ғам ээса ҳам заррача ачинмайдиган одамни тошмеҳр деб, тошга қиёсламанг, азизим.
Сиз атаган тошмеҳр киши қишда ҳам бирдек, баҳорда ҳам, бирдек, ёзда ҳам кузда ҳам бирдек, кўнгли доим муз. Табиатга ҳам, одамга ҳам бефарқ.
Тош-чи? Қиш совуғидан тез музлайди. Баҳор кўшидан илийди. Ёзда кизиб, кузда совийди. Фасллар билан кўпдан буён гўё қадронлардек. Табиатга бефарқ эмас. Демак, инсонга ҳам бефарқ эмас.
Инсонга бемехр одамни тошмеҳр деб, тошга қиёсламанг, азизим!

Фани АБДУЛЛАЕВ


Фойдали мевалар

ХУРМО

Хитойлик узок умр кўрадиган одамлар асосан хурмо билан озикланишар, араблар хурмони "сахро нони" деб эъозлашар ва хурмодан 100 хилдан ортиқ таом тайёрлашар экан. Ана шу сеvimли мевамизнинг фойдалари ҳақида батафсил маълумот берамиз. Хурмо антиқа мева бўлиб кўпчилик диетологлар ширинлик ўрнида хурмони тавсия қилишади. Ундан ташқари, хурмо қадим замонлардан даво сифатида ҳам истеъмол қилинган. Одам организмда қондаги қанд миқдорининг камайиши натижасида очлик ҳисси пайдо бўлади, хурмо егандан сўнг бу ҳис йўқолади. Рўзадорлар хурмони ифторликдан олдин еса, организмда очлик ҳисси бартараф этилади, иштаҳа ором олади ва шунинг натижасида бирдан кўп овқат еб кўйишнинг олди олинади. Бошқа мевалардан фарқли ўларок, хурмода 23 хил аминокислота мавжуд.

Масалан, триптофан аминокислотаси миянинг функционал ва руҳий ҳолатини меъёрда ушлаб туради. Тинчлантирувчи ва бироз уйку қақирувчи хусусиятга эга. Натижада мия ҳужайралари фаолияти тезлашади, склероз олди олинади. Глютамин аминокислотаси ошқозон кислотасини (ширасини) камайтиради. Хурмо таркибидаги глюкоза ва фруктоза (26-55 фоиз) витамин В5 билан организмда фаол сўрилиб, очлик ҳиссини йўқотади, жисмоний қувватни оширади. Мия ва асаб тизими фаолиятини тўлиқ тиклайди. Бошқа мевалар каби хурмо таркибида холестерин сақланмайди. Энергетик қуввати янги пишган мевада 142-274 калорияга тенг. Хурмо ўзида 77 фоизгача қуруқ моддалар сақлайди ва кам каллорияли маҳсулот ҳисобланади. Шунинг учун бошқа ширинликлар ўрнига кўрқмай истеъмол қилиш мумкин, семизликка олиб келмайди. Олимларнинг фикрича, бир кунда 10 дона хурмо еса, одам суткалик магний, мис, олтингургурт, темир, кальцийнинг ўрни қопланади. Эътибор беринг, фақат хурмо ва сув билан инсон бемалол бир неча йил яшashi мумкин. Хурмонинг хусусиятлари ва организмга таъсирини ўрганиш жараёнида қуйидаги фойдали хусусиятлари аниқланган: Хурмо таркибида хавфли паразитлар, бактериялар, микроблар сақланмайди; хурмо таркибидаги моддалар одам организмдаги касаллик қақирувчи зарарли бактерияларни ўлдирди; хурмо аёлларда бачадон қисқаришини яхшилади ва шу тўғрисида туғруқлар енгил кечди; иштаҳани меъёрига келтиради; мушаклар функциясини яхшилади ва тиклайди; оч қоринга истеъмол қилиш организмдаги паразитларни ўлдирди. Демак, хурмо – бу таом, дори, ширинлик ва шарбатдир. Албатта, одам хурмо истеъмол қилмасдан яшashi мумкин, лекин хурмо организм учун ниҳоятда фойдали. Аллоҳ таоло биз учун инъом қилиб берган ана шундай неъматлардан ўз ўрнида фойдаланишни унутмайлик.


Бошқотирма



Энига: 1. От ейдиган ўсимлик. 3. Фарғона вил. туман. 5. Тандирда пишадиган овқат. 7. Мусика асбоби. 10. Тибет руҳийси. 11. ... Шарипов (актёр). 14. Юқори мартабали киши (эск.). 18. Шарм, ҳаё. 19. Қиёматгоҳ (дин). 22. АҚШдаги штат. 23. Телефон тармоғи. 25. Босим ўлчов бирлиги (физ.). 27. Турк, афт. 28. Тўлиқ, бут. 30. Чарм, кун. 31. Сабр-бардош. 33. Совға, туҳфа. 34. Пойтахти Бейрут. 37. ... Мухтор (адиб). 39. Термин. 41. Узум тури. 43. Дилдаги мақсад. 45. Дангал. 47. ... Бакиров (актёр). 48. Омбор (русча). 49. Ковунинг дўсти. 51. Фахриддин (хонанда). 53. ... Мирзо (шоир). 54. Салқин ичимлик. 57. Хўрознинг ёри. 60. Опанинг эри. 62. Галой. 65. Ковун нави. 67. Эмиль... (адиб). 68. Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас. 69. Россиядаги дарё. 72. Расмий ҳужжат. 74. Улуг зот. 75. Халойиқ. 78. Автобус тури. 80. Тесқари, зид. 81. ... Жўраев (хонанда). 83. Бурж. 84. Силлик бўз. 85. Жабр, зулм. 86. "... Молотан" бадиий/фильм. 87. Йирик пода. 88. Тонг.

Бўйига: 1. Гумон болговчиси. 2. Мушкетёрлардан бири. 3. Мол сўювчи. 4. Кўрпанинг ички қавати. 5. ... Хидоташни (футболчи). 6. Мақсад. 8. Катъий баҳо (товар). 9. Бемехнат даромад. 12. Африкадаги давлат. 13. Туркиядаги шаҳар. 15. Харита. 16. Мушук зоти. 17. Астрономик кузатиш. 19. Цирк майдони. 20. Такводор аёл. 21. Қўшиқ (вокал асар). 24. Мусика асбоби. 26. Бахшида. 29. Унг минг (эск.). 31. Футболдаги бўлим. 32. Қўш тури. 35. Савол-жавоб ўйини (рос.). 36. Россиядаги дарё. 38. Ўқув фани. 40. Офринг. 41. ...-атика. 42. Ишдаги чатоқлик. 44. ... Райхон Беруний. 46. Катъий қарор. 49. Кема нарвони. 50. Сув ташиш асбоби. 52. Эркалар исми. 54. Осмон, кўк. 55. Нигоҳ. 56. Миллий мато. 57. ... Хўжамбердиев (бастакор). 58. Салобат, гурур. 59. Кул. 61. АҚШдаги штат. 63. Пастки жағ. 64. Хитойнинг қадимги номи. 66. Мадор, мажол. 70. Хўл мева. 71. Кўрғон (тарих). 73. Қисмат. 74. Қозғистон пойтахти. 76. Пишириқ тури. 77. Италиядаги шаҳар. 79. Диний мулла. 82. Кема қаноти.

Тузувчи Файзулла Абдуллаев



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Меҳнатнинг осони йўқ.

* * *

Минг бир азоб билан йўл очасану кўпинча ундан юриш ўзингга насиб этмайди.

* * *

Кўпнинг дуоси яшнатар, Кўпнинг қарғиши қақшатар.

* * *

Эрта қувонган кўпинча хафа бўлиб қолади.

* * *

Ўзидан ортмаганнинг ўзга билан иши йўқ.

* * *

Кучга куч қўшадиган даражада еб-ичиш керак, кучни қирқадиган даражада эмас.

* * *

Ким кўнгили олишга, ким кўнгили қолдиришга уста.

* * *

Муомаласи йўқ кишига яшаш қийин бўлади.

* * *

Эрмаклар – вақт ўғриси.

* * *

Инсон ўз умрини аксар ўзи қисқартиради.

* * *

Ўзида бўлмаса бекор.

* * *

Ҳар қандай ҳулосага аввало кишининг ўзи келиши керак.

* * *

Нодонга гап уқтиргунча эсинг кетади.

* * *

Худбин ўзидан ўзгани севолмайди.

* * *

Хижолат билан ейилган зиёфат татимайди.

* * *

Ақл – совуққон, кўнгили – қизиққон.

* * *

Ишлаганга иш қайнаб чиқаверади.

* * *

Ишлаганга иш кўп, Ишламаганга иш йўқ.

* * *

Ўзингни мажбурламасанг, ҳеч нарсага эришолмайсан.

* * *

Оилавий муаммолар ҳаммада ҳам бор.

Фақат ҳамиша ҳам уни ошқор қилмайди.



метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 17-19, кундузи – 25-28 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 18 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яради, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 18 май кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Фарбдан секундига 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17

